

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Абдиевнинг фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ

(солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, Солиқ солиш методологияси масалалари) 01.05.2022 йил ҳолатига

Солиқ қонунчилиги нормаларини бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўРҚ-758-сонли қонуни билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Жумладан, ушбу Қарор билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар бўйича Қўмита томонидан “Ўзбекистон - 24” телеканалида ва “Ўзбекистон” радиосида чиқишлар қилинди.

Шунингдек, қарорлар ижроси юзасидан Қўмитанинг ижтимоий тармоқлардаги (телеграм, фәсебоок, инстаграм, твитер) саҳифаларига маълумотлар жойлаштирилди.

Мазкур Қонуннинг мазмун ва моҳиятини ҳамда унда белгиланган маҳаллий давлат органларининг ваколатлари ва мажбуриятларини фуқароларга, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бухгалтерларига етказиш бўйича Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида семинарлар ташкил этилди.

Ижтимоий тармоқлар орқали йўлланган 178 та саволларга тезкор жавоблар тайёрлаб, муаллифларга етказилди. Бундан ташқари, Қўмитага келиб тушган 255 та солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари.

Ўзини ўзи банд қилган ходимларни солиқ органларида ҳисобга олиш

Аҳолини тадбиркорликка янада кенг жалб қилиш орқали ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиқ органларида ҳисобга олиниши юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида ўтган 2022-йил давомида **342,3 минг нафар** фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ органларида ҳисобга олиниши таъминланди.

Жумладан, Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар (*Уйда репетиторлик қилиш, болаларга қараб туриш ва уларни парвариш қилиш, уй хўжалигини юритиш, хоналарни тозалаш, халқ табобати, ҳамширалик иши*) **40,8 минг нафар**, Саноат йўналиши бўйича хизматлар (*Ёғоч меъморчилиги, сантехника хизмати, электр монтаж ишлари, макулатура, пластик идиш, темир терсак тўплаш ва қўшимча хомашё тўплаш*) **54,8 минг нафар**, Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича

хизматлар (*Чорва молларини ўтлатиш, уларни парвариш қилиш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини экиш ва парвариш қилишда томорқа эгаларига ёрдам бериш*) **160,8 минг нафар**, Ахборот коммуникация йўналиши бўйича хизматлар (*Ижтимоий тармоқлардаги фаолият, дастурий таъминот, мобил иловалар ва веб сайтларни ишлаб чиқиш, матнни яратиш ва ишлов бериш*) **5,6 минг нафар**, Маиший хизматлар (*Сартарошлик, маникюр, косметолог, педикюр, уйда кир ювиш ва дазмоллаш, калитлар тайёрлаш, поябзал тикиш, таъмирлаш ва бўйаш хизматлари*) **62,8 минг нафар**, Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (*Нон, уйда поп-корн, музқаймоқ, салатлар, салқин ичимликлар, айрон, гўжа ҳамда деҳқон бозорлариша қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш*) **17,5 минг нафар** аҳоли бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 2022 йилнинг 1-апрел ҳолатига **108 минг нафар** аҳоли томонидан **27 926,4 млн.сўм** ижтимоий солиқ суммаси тўлаб берилган.

Солиқ мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан солиқ ҳисоботларини топширилишини мониторинг қилиб бориш

2022 йил март ойи учун ҳисобот топшириш мажбуриятига эга бўлган юридик шахслар томонидан қўшилган қиймат солиғи, акциз, фойда, айланмадан олинadиган солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоботларини тақдим қилиниши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Айланмадан олинadиган солиқ ҳисоботини республика бўйича **286,4 мингта** корхонанинг **770 мингтаси (0,3%)** тақдим қилмаган.

2022 йил март ойи учун **ҚҚС бўйича** ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **148,5 мингта** корхонадан **1,3 таси (0,9%)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Фойда солиғи бўйича ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **148,5 мингта** корхонадан **6,7 мингтаси (2,3 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

2022 йил **март ойи** учун **жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи** ҳисоботини топшириш мажбуриятига эга бўлган **465,6 мингта** юридик шахслардан **1,5 мингтаси (2,5 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

Шунингдек, **Республика бўйича 202 та туман ва шаҳарларда** ҳисобот топширмаган корхоналар **50 фоиздан кўпни ташкил қилади.**

Жумладан, Тошкент вилоятида 22 та, Фарғонада 19 та, Қорақалпоғистон Республикасида 17 та, Андижонда 16 та, Самарқандда 16 та, Сурхондарёда 15 та, Қашқадарёда 15 та, Бухорода 12 та, Наманган ва Хоразм вилоятларида 12 тадан, Жиззах ва Навоий вилоятларида 11 тадан, Тошкент шаҳрида 12 та туман ва шаҳарлардан **ҳисобот топширмаган корхоналар сони 50 фоиздан кўп.**

2022 йил январь ойи учун **акциз солиғи** бўйича ҳисобот тақдим этиши лозим бўлган **4,4 мингта** корхонадан **8 таси (0,02%)** ҳисоботни тақдим қилмаган.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобот тақдим этилиши лозим бўлган **2 093 та** корхонадан **172 таси (8 %)** ҳисобот тақдим қилмаган.

**«Ижро.гов.уз» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали
топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 16 март куни Давлат солиқ қўмитасига ташрифи давомида берилган топшириқлар бўйича 21-сон баёни 4-бандининг ижроси юзасидан жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида олиб борилаётган назорат тадбирлари самарадорлигини ошириш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларини хабардор қилиш ва уларни мукофот тўлаш йўли билан рағбатлантириш тартибини белгилаш, шунингдек, яширин иқтисодиётга қарши самарали курашиш ва назорат тадбирларида коррупцияга мойилликни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (ИД-55581) ишлаб чиқилди.

Хусусан, ушбу лойиҳа Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Иқтисодий тараққиёт вазирлиги томонидан маъқулланиб, жамоатчилик муҳокамасидан сўнг лойиҳа Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган. Ҳуқуқий экспертиза натижаларига кўра, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди (19.02.2022 йил 18/1-16736-сон хати).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2022 йил 4 март куни “Олий таълим муассасалари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларни белгилаш тўғрисида” ўтказилган йиғилишининг 19-сон баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 мартдаги “Талабалар ижтимоий шароитини яхшилаш ва бандлигини таъминлаш бўйича Республика комиссияси мажлиси”нинг 1-сон баёнининг 3-илова 12-банди ижроси юзасидан, олий таълим муассасалари ҳудудида ташкил этилган пуллик ўқув курслари, спорт тўғараклари ва бошқа хизматларни ташкил этган талабаларни даромад солиғидан озод қилиш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича Молия вазирлигига 2022 йил 15 апрелда таклифлар киритилди